



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA DEPUTATLARNING MAQOMI TUGRISIDA

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING QONUNI

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг мақоми, энг муҳим ваколатлари ва депутатлик фаолиятининг кафолатларини мустаҳкамлайди.

I. UMUMIY KOIDALAR

1-модда. Депутатнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштироки Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенеснинг қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга ошириши депутатларнинг қонуний таъбирлаш ва уларни қабул қилишда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида олий давлат вакиллик органларининг ихтиёрига берилган масалаларни ҳал қилишда ташаббускорлик билан ва фаол иштирок этишига асосланади.

Депутатлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг ишда иштирок этиб, ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этишлари, қонуний ва давлат ҳокимияти юқори органлари қарорларининг жойларда ижро этилишини назорат қиладилар.

Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутати ўз фаолиятида сайловчиларнинг, шунингдек ўзини депутатликка номозд этиб курсатган тегишли сиёсий партиянинг ёхуд тегишли ҳокимият вакилининг оғзи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи манфаатларини ифода этиди. Депутат ўз ишда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларида мувофиқ, шунингдек халқ депутатлари тегишли Кенгашларнинг қарорлари ва тегишли сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари асосида ташкил этади.

2-модда. Депутат ваколатларининг вужудга келиши ва муддати

Депутатнинг ваколатлари ў тегишича Олий Мажлисида, Жўқорғи Кенесда, халқ депутатлари вилоят, туман ёки шаҳар Кенгашига сайланган кундан бошланади.

Тегишли ҳокимият давлат вакилликлари органи ўзи сайлайдиган Мандат комиссиясининг тақлифига биноан депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида, сайловга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда эса, айрим депутатлар сайловни ҳаққий эмас, деб топиш ҳусусида қарор қабул қилади.

Депутатнинг ваколатлари янги қақриқ Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сайланган кунда ёки ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ҳолларда тугайди.

Депутатнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас.

3-модда. Депутатлик фаолиятини инлаб чиқариш ва хизмат вазибаларини бажариш билан кўниб олиб бериш

Депутатлар ўз ваколатларини, қонда тариксида, инлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда амалга оширадilar.

Депутатлар депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун инлаб чиқариш ёки хизмат вазибаларини бажаришдан қонун ҳужжатларига мувофиқ овоз қилинишда ҳаққидирлар.

Олий Мажлисининг ёки Жўқорғи Кенеснинг депутатлари тегишича Олий Мажлисда, Жўқорғи Кенесда доимий асосда ишлашлари мумкин. Депутати Олий Мажлис ёки Жўқорғи Кенесга доимий ишта ўтказишни расмийлаштириш тартиби тегишли ҳокимият олий вакилликлари органи томонидан белгиланади.

Олий Мажлисида ва Жўқорғи Кенесда доимий иштайдиган депутатлар ўз ваколатларини даврида бошқа ҳал тўланадиган бир-бир лавозимни эгаллашлари, тақбир-корлик фаолияти билан шугулланишлари мумкин эмас.

Олий Мажлистега, Жўқорғи Кенесга сайланган депутатларга уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

4-модда. Депутатнинг сайловчилар билан, уни депутатликка номозд этиб курсатган сиёсий партиялар ва органлар билан ўзаро муносабатлари

Депутат ўзини депутатликка номозд этиб курсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакилликлари органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан алоқа боғлаб туради, тегишли ҳокимият вакилликлари органида уларнинг манфаатларини ифода этиди.

Депутат сайловчилар олдига масъул ва ҳисобдордир.

Сайловчиларнинг ишончини оқламаган депутат қонунда белгиланган тартибда қақриб олиниши мумкин.

5-модда. Депутатнинг тегишли ҳокимият вакилликлари органи билан ўзаро муносабатлари

Депутат тегишли ҳокимият вакилликлари органининг, бу орган тўзадиган кўмиталарнинг, комиссияларнинг ишда фаол иштирок этишини таъминлайдиган барча ҳуқуқларга тула-тулки эгадир. У бу органлар олдига масъулдир.

Ҳокимият вакилликлари органи депутатнинг ўзини тўғрисидаги, қабул қилинган қарорлар ва ўзига берилган топшириқларни қандай бажараётганлиги ҳақидаги ахборотларини тинглашга ҳаққи. Депутат ўз вазибаларини бажармаган, белгилаб қўйилган иш тартибини бузган тақдирда унинг ҳудди тўғрисидаги масала тегишли ҳокимият вакилликлари органи ёки унинг топширигига қўра бошқа орган ёхуд комиссия томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Ҳокимият депутатларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурлари қандай бажарилаётгани тўғрисида, уларнинг таъкидий мулоҳазалари ва тақлифлари юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳақида хабардор қилади, депутатларнинг қонун ҳужжатларини, ҳокимият вакилликлари органининг иш тақрибларини, жамоатчилик фикрини ўрганишга қўмаклашган ва уларнинг ишга зарур бўшқа ердан беради.

6-модда. Депутатлик олоби

Ўзбекистон Республикасида депутат олоб қониларида қатъий риоз этили лозим. Депутатнинг ўз мақомида фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йул қўйилмайди.

Депутатлик олоби бузилган тақдирда де-

путатнинг ҳудқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли ҳокимият вакилликлари органи ёки унинг топширигига қўра бошқа орган ёки комиссия томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

7-модда. Депутат ваколатларининг муддатидан илгари тўхтатилиши

Депутатнинг ваколатлари: у ўз ваколатини зиммасидан соқит қилган; қонунга қўра депутатлик ваколатини бажаришга номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган; унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган; суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган; қақриб олинган; Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган; вафот этган тақдирда муддатидан илгари тўхтатилади.

Алоҳида ҳолларда Олий Мажлис депутатининг ваколати Олий Мажлис қарори билан муддатидан илгари тўхтатилиши мумкин. Депутат деган юксак номга доғ туширувчи ҳудқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

II. DEPUTATNING HOKIMIYAT VA KILLIK ORGANIDAGI FAOLIYATI

8-модда. Депутатнинг ҳокимият вакилликлари органидаги фаолиятини амалга ошириш чоғида ҳудқ ва мажбуриятлари

Депутат тегишли ҳокимият вакилликлари органининг сессияларида, ўзи сайланган кўмиталар ва комиссияларнинг мажлисларида қатнашиши, уларнинг ишда фаол иштирок этиши шарт. Сессияга ёки кўмига, комиссияга мажлисга этиб келиш ишончтини бўлмаган тақдирда депутат бу ҳақда тегишли ҳокимият вакилликлари органининг ёки кўмитанинг, комиссиянинг раҳбарларидан бирига хабар қилади.

Депутат тегишли ҳокимият вакилликлари органининг сессиясида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳудқидан фойдаланади.

Депутат муҳомада қилинаётган масалалар юзасидан баён қилган нуқтан назари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

9-модда. Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлаш ва сайланиши

тегишли вакилликлари органи қараб чиқилиши учун масалалар тақлиф этишига; қун тартиби, муҳомада қилинаётган масалаларни кўриб чиқариш ва уларнинг моҳияти юзасидан тақлифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришига;

қарор лойиҳалари ва уларга киритиш учун тўзатиш тақлиф этишига;

тегишли вакилликлари органи тўзадиган органларнинг шахсий таркиби, ушбу вакилликлари органи сайлаб қўядиган, тайинлайдиган ёки тасдиқлайдиган мансабдор шахсларнинг номзоллари ҳусусида ўз фикрини билдиришига;

музокараларда қатнашишга, сўров билан мурожаат қилишга, маърузачи ва расмий қилувчи саволлар беришга;

ўз тақлифларини асослаб бериш учун сўзга чиқилиш ва овоз бериш сабаблари ҳусусида изоҳ беришга;

сессияда ҳокимият вакилликлари органи ҳисобдор ёки унинг назоратда бўлган ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахсининг ҳисоботини ёки ахборотини эшитиш тўғрисида тақлиф киритишга;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, тегишли ҳокимият вакилликлари органи қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқиш учун масалалар тақлиф этишига;

ўз нуқтарининг стенограммалардаги матнлари билан танишишга ва эълон қилинмайдиган нуқтарининг матнлари билан белгиланган тартибда танишишга ҳаққидир.

Депутат сессияда муҳомада қилинаётган масала юзасидан ўз нуқти, тақлифи ва мулоҳазасининг матнини сессия стенограммасига киритиш учун расмий қилувчига топшириши мумкин.

Депутат ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ўзга вазибаларни ҳам бажаради.

Маъкур ҳудқларни амалга ошириш тартиби ушбу Қонун ва тегишли ҳокимият вакилликлари органининг регламенти билан, бошқа қонунлар билан белгилаб қўйилади.

9-модда. Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес депутатларининг қонунчилик ташаббуси ҳудқи

Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес депутати тегишли ҳокимият олий вакилликлари органида қонунчилик ташаббуси ҳудқида эга бўлиб, бу ҳудқ янги қонун инлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида масала қўйиш, янги қонун лойиҳаларини, амалдаги қонунларга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини киритиш, шунингдек амалдаги қонунларга ўзгаришлар киритиш ҳақида тақлифлар билан чиқиш тарзида рўёғга қақрилиши мумкин.

Қонунчилик ташаббуси ҳудқи тегишли қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

10-модда. Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес депутатларининг қонунчилик ташаббуси ҳудқини рўёғга қақриш кафолатлари

Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес депутатининг қонунчилик ташаббуси ҳудқи қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган тақлифини Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенес мажлисида албатта кўриб чиқиб, қонун қабул қилиш; янги қонун лойиҳасини инлаб чиқилиши бошлаш ҳақида қарор қабул қилиш; тақлиф қилинган қонун лойиҳасини тақомилга етказиш учун тегишли кўмиталар ва комиссияларга юбориш; қонун лойиҳасини, тақлифини асосли рақ қилиш сингари қарорлардан бирини қабул қилиш билан кафолатланади.

11-модда. Депутатларнинг расмий фракциялар, блоклар ва депутатлар гуруҳларига бириктириш ҳудқи

Депутатлар ўзаро келишув асосида расмий фракциялар, блоклар, доимий ва муваққат депутатлар гуруҳларига бириктиришлари мумкин.

12-модда. Депутат сўрови

Депутат сўрови — сессияда давлат органлари ёхуд мансабдор шахсларга ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасидан расмий тўзунтириш бериш ёки ўз нуқтан назарини баён қилиб бериш ҳақида қўйилган

жамоатчилик фикрини, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиши, булар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти органларига хабар бериши, тегишли қонунлар ва қарорлар таъбирлаш чоғида ўз тақлифларини киритиши шарт.

Депутат ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ўзга вазибаларни ҳам бажаради.

16-модда. Депутатнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқилиши

Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес депутати тегишли олий вакилликлари органининг сессияларида тегишича Олий Мажлисининг Раисига ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳукуматига, Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенес Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларга, бошқа давлат органлари раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳудқида эгадир.

Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес депутати қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органларига, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров киритиши мумкин.

Вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутати ҳокимига, ҳоким уринбосарларига, ҳокимлик бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек Кенгаш ҳудқидида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳудқида эгадир.

Сўров депутат ёки бир гуруҳ депутатлар томонидан ёзма равишда ёхуд оғзаки киритилиши мумкин. Ёзма равишда киритилган сўров ҳокимият вакилликлари органининг сессиясида ўқиб эшитилиши керак.

Сўров қаровилган давлат органи ёки мансабдор шахсга сўровга кечи билан уч кунлик муддат ичда ёки тегишли ҳокимият вакилликлари органи белгилаб қўйган бошқа муддатда сессияда оғзаки ёки ёзма равишда жавоб бериш шарт. Сўров муносабати билан ўтказилган мурожаат натижада бўйича қарор қабул қилинади.

13-модда. Ҳокимият вакилликлари органи сессиясида депутатлар билдирган тақлиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқилиши

Депутатлар сессияда оғзаки билдирган ёки сессияда расмий қилувчига ёзма равишда берган тақлиф ва мулоҳазалар ҳокимият вакилликлари органи, унинг кўмиталари ёки комиссиялари томонидан кўриб чиқилиши шарт. Сўров муносабати билан ўтказилган мурожаат натижада бўйича қарор қабул қилинади.

Сессияда депутатлар билдирган тақлиф ва мулоҳазаларини олган давлат органлари, жамоат бириктирилган органлари, мансабдор шахслар кечи билан бир олийк муддат ичда бу тақлиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқилиши ҳамда натижалари тўғрисида бевосита депутатга ва тегишли ҳокимият вакилликлари органига маълум қилишлари шарт.

Депутатларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқилиш ҳақида уларни рўёғга чиқариш устида назорат Олий Мажлис Кенгаши, Жўқорғи Кенес, тегишли комиссиялар ва кўмиталар, Ҳукумат, ҳокимиятлар томонидан амалга оширилади.

14-модда. Депутатнинг Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари органларидидаги фаолияти

Кўмига, комиссия ёки бошқа органлар таркибига кирган депутат маъкур органлар кўриб чиқилиши учун ҳар қандай масала ва тақлиф киритишга, бу масала ва тақлифларни кўриб чиқиш учун таъбирлашга, уларни муҳомада қилиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек қабул қилинган қарорлар рўёғга қақрилишини таъкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга ҳаққидир.

Депутат тегишли органининг таркибидида бўлса-ю, унинг қарорига қўйилмаса, ўз нуқтан назарини сессияда баён қилишга ёки бу ҳақда расмий қилувчига ёзма равишда маълум қилишга ҳаққидир.

Кўмига ёки комиссия таркибига сайланган депутат уларнинг ишда ҳал қилувчи овоз билан қатнашади.

Кўмига ёки комиссиянинг аъзоси бўлмаган депутат уларнинг мажлисида маъкур овози ҳудқи билан иштирок этиши мумкин.

III. DEPUTATNING SAYLOV OKRUGIDAGI FAOLIYATI

15-модда. Депутатнинг сайлов округидаги иш билан боғлиқ ҳудқ ва мажбуриятлари

Депутат сайлов округида ўз ваколатларини амалга ошириш учун: тегишли ҳокимият вакилликлари органи назорати остидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг муҳим манфаатларига таллуқли бўлган ҳар қандай масала кўриб чиқилиши чоғида иштирок этиш;

округ сайловчилари билан йиғилишлар, маъхат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг ташкилотлари билан учрашувлар ўтказиш ҳудқида эгадир.

Депутат ўз депутатлик фаолиятига доир масалалар юзасидан маъкур органларидида чиқиш, радио ва телевидение орқали сўзлаш бораида импелъизи ҳудқда эгадир.

Депутат ўз сайлов округида: аҳолини тегишича Олий Мажлис, Жўқорғи Кенес, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг иши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туриши;

қонунларнинг ва ҳокимият вакилликлари органи қарорларининг бажарилишини таъкил этиш ҳамда назорат қилишда иштирок этиши;

жамоатчилик фикрини, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиши, булар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти органларига хабар бериши, тегишли қонунлар ва қарорлар таъбирлаш чоғида ўз тақлифларини киритиши шарт.

Депутат ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ўзга вазибаларни ҳам бажаради.

16-модда. Депутатнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқилиши

Депутат сайловчилардан ўзига тушган тақлиф, ариза ва шикоятларни қонун ҳужжатларига белгилаб қўйилган тартибда кўриб чиқиди, уларни ўз вақтида тўғри ҳал этиш чораларини кўради, ўз сайлов округида фуқароларни мунтазам равишда қабул қилиб туради. Депутат фуқароларни қабул қилишда иштирок этиш учун тегишли ҳокимият вакилликлари органи ҳудқидида жойлашган давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларини тақлиф қилишга ҳаққидир.

Депутат шикоятларни келтириб қақраётган сабабларни ўрганиди ва зарур ҳолларда ўз тақлифларини тегишли ҳокимият вакилликлари органига киритади.

Депутат ўзи юборган тақлиф, ариза ва шикоятлар тегишли ҳокимият вакилликлари органи ҳудқидида жойлашган давлат органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда кўриб чиқилишини назорат қилишга ва уларнинг кўриб чиқилишида шахсан иштирок этишга ҳаққидир.

17-модда. Депутатнинг сайловчилар олдига ҳисоб бериши

Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенес депутати вақти-вақти билан, аммо йилга камида бир марта, вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутати эса йилга камида икки марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ҳисобот бериб туриши ва ўзи сайланган ҳокимият вакилликлари органининг иши ҳақида хабардор этиб бориши шарт. Депутатнинг ҳисоботи сайловчилар талаби билан ҳам ўтказилиши мумкин.

Депутатнинг ҳисоботлари шу мақсадда қақриладиган сайловчилар йиғилишларида ёки маъкур сайлов округи вакиллариининг йиғилишларида ўтказилади. Депутатнинг ҳисоботи юзасидан йиғилиш қарор қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тегишли оммавий ахборот воситалари депутатларнинг ҳисоботлари ёритилишини таъминлайдилар.

18-модда. Ҳисоботларини ва сайловчилар билан учрашувларини ўтказишда депутатга қўмаклашиши

Депутатларнинг ҳисоботларини ва улар билан учрашувларини ўтказиш учун сайловчиларнинг йиғилишлари тегишли ҳокимиятлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қақрилади.

Ҳисобот бериш ва сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун депутатга зарур шарт-шароитлар таъминланади. Унинг илтимосига қўра ҳокимият ижроия органлари бино ажратиб, депутатнинг ҳисоботи, унинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат фуқароларни қабул қиладиган вақт ва жойини фуқароларга маълум қилади, қабул ва учрашувларда иштирок этиш учун депутатнинг тақлифига биноан ўзларининг маъсур вакиллариини юбориладди, шунингдек депутатнинг жойлардаги ишига қўмаклашиш юзасидан бошқа чоралар киритиладди.

Ҳисоботлар ва сўзга чиқиш учун зарур бўлган маълумотнома ҳамда ахборот материаллари депутатнинг илтимосига биноан тегишли ҳокимият ижроия органлари томонидан берилади.

19-модда. Депутатнинг қуйи Кенгашлар ишда қатнашиши

Депутат қуйи Кенгашлар ва уларнинг органлари мажлисларида маъкур овози билан иштирок этишга ҳаққидир.

20-модда. Депутатнинг қонунчилик бузилган ҳолларни бартараф этишни талаб қилиш ҳудқи

Фуқароларнинг ҳудқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари бузилган тақдирда ёки қонунчиликни бузишнинг бошқа ҳолларида депутат, давлат ҳокимиятининг вакили сифатида, ўша жойини ўзида бундай қондабузарлик тўхтатишни талаб қилишга, зарур ҳолларда эса уларга чек қўйишни талаб қилиб, тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳаққидир. Қонунбузарлик фақти депутатнинг ўзи ёки унинг талаби билан тегишли ҳудқини муҳофаза қилувчи орган ёки назорат органининг вакили тўзган баёниномада қайд этилиши мумкин.

Депутат талаб билан мурожаат этган давлат органларининг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бириктирилган раҳбарлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маъмурияти, шунингдек милиция ҳолимлари қонун бузилган ҳолларни бартараф этиш учун, зарур ҳолларда эса айбдорларини жавобгарликка тортиш учун зудлик билан чора кўришлари ва кейинчалик буни депутатга маълум қилишлари шарт. Чора кўрмаган тақдирда мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

IV. DEPUTATLIK FAOLIYATINING ASOSIY KAFOLATLARI

21-модда. Депутатнинг ҳудқлари, шаъни ва қадр-қимматиини муҳофаза қилиш

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ва сармарили амалга ошириши учун шароит яратилишига кафолат берилади, унинг ҳудқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади.

Депутатнинг шаъни ва қадр-қимматига қасд қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиний ёки ўзга жавобгарликка тортиладилар. Депутатнинг ҳақорат қилиш, шунингдек унга нисбатан тўхмат қилиш қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Депутат олдигаги ўз вазибаларини бажармайдиган, унинг ишига тўқендиклик қиладиган, унга атайлаб сохта маълумот берадиган, депутатлик фаолияти кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Депутатлик вазибаларини бажаришга бирон-бир шахлда монелик қилиш ёки қимнингдир фойдасига қарор қабул қилинишига эришиш мақ

• Долзарб мавзу

БУГУНГИ кунга келиб шу нарса аниқ ва равшан бўлдики, галла мустикаллиги яна...

ларда юқори ҳосил олишнинг интенсив технологияси яратилиб, кенг қўлланилмоқда.

зор-8, Енбош ва Маржон навларининг айрим биологик хусусиятлари...

Сангзор-4 нави: уни октябрнинг биринчи ўн кунлигида экилади.

иккинчи босқичда вилотлардаги элита ҳужайраликларини, учинчи босқичда эса галла етиштирувчи ҳужайраликларнинг бўлими...

етиштирган, маромига етказилмаган урунни экишга мажбур бўлмақдалар.

Давр галла уруғчилиги билан шуғулланувчи тегишли илмий ташкилот ва вазирликлардан ўз фаолиятларини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда.

Фаллачиликда энг мураккаб ва сермашаққат жараён ҳосил ўрими-йғимидир. Бугунги кунда дон икки усулда — аввал ўриб уюлаб, сўнгра янчиляпти ҳамда...



Оқдарё туманидаги К. Маркс номи деҳқон хўжалиги пахтакорлари бу йил 230 гектар майдонда чигит экиб ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашаёпти.

СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА 40-45 ЦЕНТНЕРДАН ГАЛЛА ОЛИШ МУМКИНИМИ? Мумкин, бунинг учун галлазорларни кенгайтириш эмас, балки ҳосилдорликни ошириш чораларини кўрмоқ лозим

дойининг Бахт, Александровка, арпанинг Ойқор, Циклон, Афро-сига, Зафар, Болғали, Карши ва бошқа навларни интенсив технология асосида парвариш қилинса...

лади. Курғоқчиликка чидамли, дони тўқилиб кетмайди, ётиб қолмайди, қишининг совуғига бардошли.

белгиланганича сара уруғ галланди. Бироқ уруғчилик тизимининг кейинги босқичи яхши йўлга қўйилмаганига сабабли катта сарф-ҳарajatлар билан етиштирилган бу сара уруғдан палларидан, мақсадсиз фойдаланиш...

хассисларни тайёрлаш зарур. 1996 йилда суғориладиган бугдой майдонларини 1,300 минг гектарга етказиш кўзда тутилмоқда.

Истикболли технологиялардан яна бири суғориладиган ерларда ўсиб турган гўзалроқ орасига кузги галла экишидир.

Сангзор-8 нави: кузги, ўртагишар, совуққа чидамли, ётиб қолмайди, занг касалига кўп чалинмайди.

Бошқоқ дон экинлари уруғчилик тизимини тўғри йўлга қўйиш учун ҳар бир вилот ва тумандаги галла майдонлари сатҳидан келиб чиқиб, элита ва кўйи репродукцияли уруғларга бўлган талабнинг камида 5 йиллик режасини тузиб чиқиш ва шунга мувофиқ вилот ағросноат уюшмалари ҳамда бизнинг бирлашма буюртмалар бериш лозим.

«Уздонмахсулот» давлат концернининг вилотлардаги дон қабул қилувчи кўпгина тайёрлов пунктларида уруғчилик галларни аралаштирмай қабул қилиш, сақлаш ва тозалаш имконияти йўқ.

Республиканинг суғориладиган ерларида ҳар хил касалликлар кўп тарқалганига ва тупроқнинг 70 фоизи турли даражада шўрланганлигини ҳисобга олиб, бугдой ва арпа навларини худудлар бўйича қуйидаги тартибда экиш мақсадга мувофиқдир.

Маржон нави: кузги, ўртагишар, совуққа чидамли, касалликларга бардошли. Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилотларининг суғориладиган ерларида экин учун шу йил районлаштирилди.

«Уздонмахсулот» давлат концернининг вилотлардаги дон қабул қилувчи кўпгина тайёрлов пунктларида уруғчилик галларни аралаштирмай қабул қилиш, сақлаш ва тозалаш имконияти йўқ.

Фўзаояси олинмаган пахта қатор оралярига кўзда дон экиш учун пахта қўлтиротири базасида севка яратиш борасида фан ва ишлаб чиқариш кўпгина ишлар қилди.

«Фалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида кейинги пайтларда яратилган ва ҳозир республикада катта майдонларда экилаётган Сангзор-4, Санг-

Курбон ЭШМИРЗАЕВ, «Фалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, кишлоқ хўжалик фанлари номзоди:

«Уздонмахсулот» давлат концернининг вилотлардаги дон қабул қилувчи кўпгина тайёрлов пунктларида уруғчилик галларни аралаштирмай қабул қилиш, сақлаш ва тозалаш имконияти йўқ.

«Уздонмахсулот» давлат концернининг вилотлардаги дон қабул қилувчи кўпгина тайёрлов пунктларида уруғчилик галларни аралаштирмай қабул қилиш, сақлаш ва тозалаш имконияти йўқ.

Хосили тўла этилиб, намлиги 17 фоиз ва ундан кам бўлган пайтда галлани комбайнда бириўла ўриб-янчиш усули яхши самара беради.

Кучли ўт босган, ортиқча намликдан ётиб қолган, қалин, баланд ва энгашиб ўсган ҳамда дони тўқилишга мойил навлар аввал ўриб, кейин янчиб олигани маъқул.

«Юқорида баён этилган тавсияларга тўла амал қилиш учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

«Юқорида баён этилган тавсияларга тўла амал қилиш учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

«Юқорида баён этилган тавсияларга тўла амал қилиш учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

«Юқорида баён этилган тавсияларга тўла амал қилиш учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

«Юқорида баён этилган тавсияларга тўла амал қилиш учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

• Мардлар мангу яшайди БАЛИҚЧИДА «ГАЛАБА» МАЙДОНИ

Фашизмга қарши кураш йилларида Балиқчининг 5 мингдан зиёд ўқони фронтга отланди.

Улардан 2750 нафари фронтдан қайтмади. Ҳамюртлар қўтираси муқаддас. Уларнинг доворақлиги, қасамёғда солиқлиги келажақ авлод учун ибрат бўлгусидир.

риши. Туман ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи иш боши бўлдилар.

«Юқорида баён этилган тавсияларга тўла амал қилиш учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

«Юқорида баён этилган тавсияларга тўла амал қилиш учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Оқолтин тумани пиллакорлари вилотда биринчилардан бўлиб, ипак тола сотиш режасини бажардилар. Омборларга 21 тоннадан зиёд қимматбаҳо хомашё етказиб берилди.

"ТАШТЕКСТИЛЬМАШ" ЗАВОДИ

қўтидан 70-80 кг. дан пилла олинди. Туман пиллакорлари яна 9 тонна ипак тола топширишни мўлжаллашаётир.

Кўнғироқ қилиш учун телефон: 53-93-29.

1. Чўян буюмлар қўйиш учун металл ва ёғоч андозалар тайёрлаш.

Кўнғироқ қилиш учун телефон: 53-94-45.

1. Қисмларни судда силлиқлаш.

Ташкилот Тошкентдаги омборидан улгуржи харид таклиф қилади!

- 1 60-75-100-150 Вт қувватга эга бўлган электр лампалар. 2 Айланаси (0) 25-32 см. сув ўлчагичлар. 3 Чет элда ишлаб чиқарилган халқ эҳтиёжи моллари.

A LEADING FOREIGN COMPANY is seeking for

self motivated, patient, determined, dynamic and team player staff who are ready to keep pace with busy and flexible working hours and have good typing and computer skills...

"ЎЗБЕКМАЗСЕРВИС"

ЎЗБЕК-БЕЛОРУСЬ КЎШМА ҚОРҲОНАСИ СЎМЛАРДА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРИДАН

КОВХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СП «Совпластит» КЎШМА ҚОРҲОНАСИ Ташкентдаги омборидан Сизларга қаттиқ босимли полиэтиленни турли қўйма маркали полистирол ва полипропиленга (кўпиклаштирилгандан ташқари) алмаштиришни таклиф этади.

• Театр

ЮРАКЛАРГА СИГМАС ДАРД

«Уфқ» қочоқ ҳақидаги эмас, аксинча қочоқни бағрига сиғдира олмаган халқ ҳақидаги асардир», деган эди ўз вақтида машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор.

Ўзбек саҳна санъати тарихида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган бетақдор ва иқтидорли актёрлари, кўли ва фожасий жағрадаги қатор спектакллари билан томошабинларга танилган Ҳамза номи академик театр жамоаси Буюк Ғалабага элик йиллигига муносиб тўхфа тайёрлади. Театрнинг доимий ҳамкори, шу кунларда 75 йиллигини нишонлаётган адиб Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асари асосида икки пардали «Уфқ» спектакли саҳналаштирилди.

...Ним қорони саҳнага секин-аста бир қанча одамлар кириб келишди. Ким отасини, ким ўғлини, ким она-инисини, ким севакли ёрнини урушга жўнатмоқда. Кетувчилар ҳам, қузатувчилар ҳам бир-бирдан ажралгиси келмайди. Гап йўқ, сўз йўқ. Оғир бир жудолдан дарак берувчи, юракларни сирқиратиб юбуровчи жимлик ва сукунатни қизларнинг қисқатгина хазин киргойисига бузди:

Мен кетар бўдим букун, Арим бай ёйлаб кетай. Мехрибоним қолди деб, Йўларга қон йиғлаб кетай. Мехрибоним кетди-ю, Мехрибоним кетмади. Мехрибонимдан кейин Ҳеч ким мени ёд этмади. Урушнинг бутун инсоният бошига солган мусибати, уруш этиб келмаган юртимиздаги инсонлар тақдирини Икромжон, Жаннат ва Турсунбойлар оиласи мисолида гавдаланади. Биз саҳнада бевосита урушнинг ўзини эмас, унинг оғир ва қаттиқ асоратларини кўрагимиз. Ота-онанинг яқка-ёлғизи, ишонгани, сунгани Турсунбой (актёр Тоҳир Саидов) олдига Икромжон (Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов)дан сўнг урушга жўнайди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан бир оёқнинг тиззасидан пастки кесилган Икромжон урушдан қайтиб келади. Буйбаста келишган, соғом Икромжоннинг кўлтиқ таёққа осилиб, яраланган шердай кўча эшикдан кириб келишини-

нг ўзи ҳам қувончли, ҳам қайғулидир. Қувончли шундаки, у ногирон бўлиб бўлса ҳам ўз қишлоғига соғ-омон қайтиб келди. Қайғули деганимизнинг боиси, уруш уни бир умр таъқиб этди, оёғидангина эмас, хотинидан, кўзининг оқу қораси Турсунбойдан жудо қилади. У ўғлининг урушдан қочганини, кўрқоқлик ва номардлик қилгани, юзини ерга қаратганлиги учун ўз кўли билан отиб ташлайди. Икромжон ички кечинмалари, руҳий дунёси, унинг қочқонлигини эшитганида ва ниҳоят, тўқайзорда у билан учрашгандаги ҳолати, фарзандига бўлган оталик соғинчининг бирдан чексиз нафратга айланиши Ёқуб Аҳмедов ижросида кам-кўстисиз, тўлақонли ифодаланган. Ўз ёнига ўзи қорилиб, ичидигани Тоғадан бошқа айтолмай юрган Икромжон хотинининг ўлимидан сўнг тўқайзорда тасолифан ўғлини учратиб қолади. Боласининг қилимишдан ғазабланиб юришига қарамастан, уни кўриши билан қучоқлаб олади, юрак-бери йиғлайди. Ўғлининг «онанинг ўлигиндан хабарим бор. Қўшимча олиб кетаётганларидан кўриб турдим», деган сўзларини эшитиши биланроқ феъли айниб, ўзини қўлга ололмасдан, уни тегиб юборади. Ва ниҳоят... ўғлини отиб қўяди. Яна ўзи нидо қилади: «Илоҳим ўқим тегмаган бўлсин». Мана шу гап томошабин қалбига назра бўлиб муҳрланиб қолади. Санъатшунос Эр-

кин Умаров Икромжон ҳақида гап кетганда, спектаклни тайёрлаш жараёнида Ёқуб Аҳмедов директорлигини ҳам унутиб, фақат актёрлик билан шуғулланганга ўхшайди, деб жуда ҳақ гапни айтди. Спектаклдаги яна бир асосий рол Турсунбойнинг онаси Жаннатни Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова ижро этган. Аввал эрини, сўнгра ўғлини урушга жўнатиб ёлғиз қолган аёл умрининг охиригача ҳам бирор кун ҳаловат билан яшамайди. Тақдирдан сийлов кўрмайди. Ҳувиллаб қолган кимасиз қалби эри қайтиб келганидан қувонади деб турганда, ўғлининг урушдан қочганини ҳақидаги хабарни эшитди. Одамлар кўзидан яшириниб, эрига билдирмасдан ҳар кунни ўлига оват ташийди. Уни қучоқлаб йиғлаб тақдирга ланатлар ўқийди, айна пайта боласидан ҳам кечиб кетолмайди. Эрининг аҳволига қўйсинми, боласига қўйсинми, одамларнинг гапини кўтарсинми? Охириги марта ўғлини тўқайзорда, ёмғир ёғиб турганда бетоб кўрганида юрагига сиғмаган дарди портлаб, ҳаётдан кўз юмади. Бизнингча, эшиклардан, қарама-қаршиликлардан ҳоли бўлмаган меҳрибон, фидойи аёл — Жаннат роли актёрнинг кейинги йиллардаги ижодий йўтуқларидан биридир. Шунингдек, Тоға (Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов) билан Рисолат (актёр Дилбар Икромова) роллари ҳам табиий ва ишонarli чиққан. Спектаклда шундай ҳатти-ҳаракат ёки имо-ишоралар борки, улар англашган маънони сўз билан удалаб бўлмайди. Қизларнинг олдигагина, қисқанига киргойисни, Турсунбойнинг қашқирга ўшаб увиллаши ва эмақлаб юриши, саҳ-

надаги бўзранг илдизсиз дарахларнинг чайқалиши, ўз ўғлини отиб қўйган ота юраги каби қамишзорнинг ловулаб ёнши режиссёр топилмадирлири. Саҳнадagi гапнилик, қора бўёқлар одамларни хушёрликка, бугунги фаровон ҳаётни қадрлашга даъват этиб туради. Бастакор Анвар Эргашев билан расом Ольга Газизова ҳам жон куйдириб ишлашган кўринади. Мусиқа бевосита спектакль қаҳрамонларининг ички дунёсини очишга хизмат қилган. Ҳар бир саҳна кўринишининг ўзига хос ва миллий анъаналарга риоя қилинган ҳолда безатилиши ҳам спектаклнинг ютуғидир. Уни томоша қилиш даврида яхши асар яхши режиссёр қўлига тушганлигини, ижросидан катта меҳнат қилганини, режиссура, мусиқа, муаллиф гоёси битта мақсадга бўйсундирилганини ҳис этдим. Спектаклнинг Ғалабага бағишлаб вилоят театрларида саҳналаштирилган асарлар ичида биринчи ўринни олганлиги ҳам қувонарлидир. — «Уфқ» асосида бундан бир неча йил муқаддам телеспектакл яратилган, кўпгина вилоят театрларида эса у саҳналаштирилган эди, — дейди ёзувчи Саид Аҳмад. — Бугунги спектакль аввалгилардан тубдан фарқ қилади. Ростини айтсам репетициялар чоғида режиссёрга кўп тақлифлар айтдим. У бўлса гапларимга сира қўлоқ солмади, яъни ўз билганидан қолмади. Бундан бироз ҳафа бўлдим, асарим тақдирдан чўчимди. Бугун кўриб турибманки, Олимжон ўз билганидан қолмай тўғри иш қилган экан. Бало экан бу бола. Ўзим яшладим, актёрлариям ишлатдим». Ҳа, спектаклда қатнашган санъаткорлар зўр бериб, тер тўкиб ишлашганида бир ойда мана шундай забардаст асар яратилмасди. Шунинг учун ҳам у узоқ умр кўришга дахлдордир. Гулчехра Йўлдошева, «Халқ сўзи» мухбири.



Яқинда Наманганда анъанавий машрабхонлик ва гул байрами бўлиб ўтди. Шу кунларда Боборайим Машраб номидаги маданият ва истироҳат бонди гуллар кўرғазмаси ва савдо ярмаркалари ташкил этилди. Шаҳар узра шoir гуллар билан айтаётган қўшмаклар янгради. Хайри олин тарқатилди. Кам ташминланган оилаларнинг 39 нафари фарзандининг хатна, 19 муфт ёшнинг никоҳ тўйлари ўтказилиб, уларга 500 ва 1000 сўмдан пул қўйилган омонат дафтarchалари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Уша кунларда вилоят театрда ёзувчи Саид Аҳмаднинг 75 йиллиги нишонланиб, у Наманган шаҳрининг фахрий фуқаролигига қабул қилинди. Хуллас, шаҳар ҳам, меҳоблару меҳмонлар ҳам қувончу шодликка чўлгандилар. Суратда: байрам тантаналаридан лавҳалар. Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

САМАРҚАНД ЮЗ ЙИЛ МУҚАДДАМ ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Самарқанддаги А. С. Пушкин номи вилоят кутубхонасида француз фототарғи Пол Надарнинг суратлари кўрғазмаси ошди. Эйтибори томони шундаки, бу суратларга қараб бундан бир аср муқаддам Самарқанд ва самарқандликлар қандай бўлганлигини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Чунки улар 1890 йилда олинган. Ҳа, француз сураткаши Пол Надар бундан бир юз йил беш йил муқаддам Самарқандда бўлган экан. Унинг «Туркиядан Туркистонгача» деб номланган кўрғазмаси ўша даврлардаёқ жуда кўп жойларда намоиш этилган. — Пол Надар арқивидagi бир неча миң суратини орасидан бир кичик қисмини танлаб олдик, — дейди ушбу кўрғазма ташкилчиси, Доппер Гийом, — чунки уларнинг ҳаммасини кўрсатишнинг иложи йўқ. Лекин мана шуларнинг ўзидеки биздан бир асрдан кўпроқ вақт аввал шайқорингиз қандай бўлганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Шунинг айтиш кераки, бу кўрғазма Ўзбекистонда ilk бор намоиш этилмоқда. М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АДХАТ СИНҮФИЛ 60 ЁШДА

У 1935 йилда Бошқирдистоннинг Истарлибоз туманида туғилган. Тўққиз ойлик чақалоқлигидан онадан етим қолди. Отаси Масалим ўғли Макарим 1942 йилда урушда ҳалок бўлди. Адхат болалар уйлари тарбияланди. 1975 йилда оилавий ҳаёт ва тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга кўчиб келди. Ҳозир Тошкентда татар маданият марказида фойалият қўрсатиб келяпти.

«Тўрлар ва музалар» номи жангчи шоирлик ҳақидаги тадқиқий мақолалар китоби ва «Чалғи қўшиғи» (1977), «Шерўлкасин соғиниб» (1984), «Жануб гуллари» (1990), «Ешлик хайкали» (1979), «Қорақош» (1989) сингари шеърий тўпламлари нашр этилди. Айни чоғда у Алишер Навоийнинг «Хайратул аброр» достонидан «Ҳикмати сўзларни», Фуқрат газаллари, Садриддин Ай- нийнинг «Мирзо домланинг қароматлари» комедиясини татарчага таржима қилган. Унинг таржималари орасида Э. Воҳидов, А. Орипов ижодидан намуналар бор. Биз ҳам шоирни муборак ёши билан кутлаб, айрим шеърларини эйтиборингизга ҳавола қилаётимиз. Мирғаз АЪЗАМ.

КУЗГИ БОҒЧА

Кексалик масканим эй, кузги боғча, Умрининг ҳосили йиғилган жойим, Ёшлигининг яшил қароғдоғлари Тинчқан кушларим уни мулойим. Кексалик масканим эй, кузги боғча, Қовланган ерларку қовланди, Поёғларда отлар минди-ку, Овланажак кушлар овланди. Кексалик масканим эй, кузги боғча Куйласа гар япроқ қўйлаган... Мен кўзгадан қилмасман гина, Энди умр тўйини тўйлаган. Кексалик масканим эй, кузги боғча, Энди нетай, сарғайди ранглар, Энди кўб сарпоси тугал Чалиниб бўлгандир оҳанглар.

Дардли юрагимда ҳавас бор мудом, Севги соҳиблари дард кўрмаган асло, Агар ўт бўлсангиз — ўт каби яшанг, Яшанг, муз бўлсангиз, муздек доимо.

Ҳар ҳолда топиндим сенга, муҳаббат, Топиндим ўзингга, топинганларга... Топиндим — илоий нури ёпинчнинг, Фақат садоқат деб ёпинганларга. Татарчадан Абдулла ОРИПОВ таржимаси. Ёшликни йўқотдим уруш чоғлари... Сен менинг ёшлигим сўрама, Ёшлигим — кўзлари ёшлигим. Ёшликни хотирлаш мумкин-ку, Ёшликдай бўлса гар ёшлигинг. Сен менинг ёшлигим сўрама, Ёшлигим ҳасратли жирларда. Ёшликни йўқотди билмади Уруш лайт қон тўққан қирларда. Сен менинг ёшлигим сўрама, Ёшлигим қолмаган юзларда... Ёшликни кўмилган қабрсиз, Қолмаган — ёшликдан қозғанди. Сен менинг ёшлигим сўрама, Ёшликни ютқаздим йилларга. Ёшликка ҳеч нарса тенг келмас Ёшлигинг ёшликдай бўлганда. Сен менинг ёшлигим сўрама. Татарчадан Мирғаз АЪЗАМ таржимаси.

31 май - 4 июнь 1995 й. ЎзР ТИАВ "Ўзэкспомарказ" РСМ 5-павильонида Амир Темур кўчаси, 107- уй. (собик ВДНХ - ХХЮК) Туркиянинг кўрғазма ва ярмаркалар ўтказувчи "Туяп" фирмаси Ўрта Осиё республикаларида ўзининг Олтинчи савдо-саноат кўрғазмасини ўтказди. Туркиянинг етакчи фирмалари ўз маҳсулотларини намоиш этади: озиқ-овқат маҳсулотлари, идиш-товоқлар, атир-упалар, фотоаппаратуралар, автомобиль эҳтиёт қисмлари, спорт пойабзаллари, саноат ускуналари ва ҳоказолар. Иш тартиби: ишбилармонлар учун - 10.00 - 13.00 ташриф буюрувчилар учун - 14.00 - 18.00.

Қардошлик ришталари ДУСТЛИК ХИБОНИ Буюк ғалабанинг 50 йиллиги тантаналари доирасида Мирзачўл тумани марказида Дустлик хибони очилди. Жаҳоннинг биринчи фазогери Гагарин ҳайкали ўрнатилган майдон билан туташиб кетган бу истироҳат масканига туман ҳокими Таспулат Ёсимов шундай таъриф берди: — Чулқуварларимиз яйраб дам олсин деб хибонда ажиб гулзор барпо этдик. Ёш авлод оталар жасоратини ҳар дам эга олсин учун гулзор ичра тўрт қарош, тўрт забардаст инсон бюстини ўрнатдик. Хибоннинг илк меҳмонларидан бири — Жеттисой тумани ҳокимининг ўринбосари Ё. Айтбоев, уруш ва меҳнат фахрийси Спатай Минтаевлар эса «бу хибон ўз номига мос — икки буюк халқ — ўзбек ва қozoқ дўстлигининг рамзи бўлиб қолади», — дейишди. Ҳ. НАБИРАЕВ.

Савдо ташкилотлари, рестороанлар, кафе, пул алмашув пунктлари, ёқилги қўйиш тармоқларининг раҳбарлари, дўконлар ва бошқа савдо шохобчаларининг эгалари диққатига! "Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси янги шўрқимдаги SILEX 7004 КАСБА АНПАРАТНИКИ СОМҚЕТА ЧИҚАРАДИ SILEX 7004 — фақат пул сақланадиган кутига эга бўлган олдий калькулятор эмас. SILEX 7004 — ҳисоблаш техникасининг энг сўнгги йўтуқларини қўллаган ҳолда маълумотларни ишлаб берувчи энг тақомиллашган электрон тизимдир. Аппаратнинг хоссаси бугунги кун, чўнончи эртанги кун талабларига жуда монанд келади. SILEX 7004: - барча матнга эга бўлган ахборотлар, буюмларнинг номларини ўзбек ва рус тилларида чоп этиш имконини беради; - 800 турдаги буюмлар номини эслаб қолиш электрон хотирасига эга; - 100 тагача бўлимга хизмат кўрсата олади; - бештагача дастурланадиган солиқ ўлчовларини ўзида мужжасамлаштирган; - вақт-соатига қараб, исталган мол турини юзасидан бутун дўкон ва бўлимлар бўйича қилиш ҳисоботларни амалга оширишга имкон беради. АППАРАТНИНГ ХАЗИНАВИЙ ХОТИРОТИ — 7 ЙИЛ SILEX 7004 Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси талабларига тўла мувофиқ келади ва сотиш ҳамада фойдаланиш ҳуқуқи бўйича Давлат реестрига киритилган. "Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси, чўнончи аппаратларга қафолат ва сервис хизмати кўрсатади, малакали ҳодимлар тайёрлаб беради. Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 13-ўй. "Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси. Телефонлар: 36-07-71- маркетинг бўлими. 33-58-18 - савдо-сотих бўлими.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ: 1. Идора товарлари. 2. Телефон аппаратлари. 3. 386, 486 DX компьютерлари. 4. "Citizen" калькуляторлари ва бизнес-лапкалар. 5. Совутичлар. 6. "Canon" 1215, 300, 320, 330 ксерокслари. 7. "Canon" E-16, A-15 катриджлар. 8. "Panasonic" 130, 500, 700 телефакслари. 9. Умумий фойдаланишдаги ГР-4-5 стмлар. 10. Ж/Б ВР 1 4-5 стмлар. 11. Пахтадан тўқийдиган ТУ 14-4-666-75 стмлар. 12. Пахта учун бандаж. 13. 20x20, 45x45, 65x65 тўр-рабига. 14. 25x25, 32x32, 36x36, 45x45, 50x50 утолқлар. 15. Мпхлар. 16. ПБ-40 ва стартерлар. Телефонлар: (3712) 72-98-17, 79-47-74.

Аппарат керакми? РУЗБОР ЭЛЕКТРОНИКАСИ ВА ЭЛЕКТР ТЕХНИКАЛАР «ЮНУСОБОД САҲОВАТ» УНИВЕРМАГИНИНГ DUBAI BUSINESS CENTRE БЎЛИМИ Юнусобод - 19, Меша Зоҳидов к. Тел. (3712) 22-91-67

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппаратурини жамоаси Маҳкаманинг маъсул ходими Рустан Обидовнинг Аҳмадга ўқиси Бахтиёр Обидовнинг АХМДОВнинг фойдали вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Бухоро вилояти Гўлжон туман ҳокимлиги тўғрисида Гобир Раҳматовнинг БОТИРОВНИНГ бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг эндокринология институтининг катта илмий ходими, соғлиқни савлаш вазири-гининг бош эндокринолог вазири, медицина фанлари номзоди Жўра ОРИПОВНИНГ вафоти муносабати билан унинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг зоология институтини директор ўринбосари Б. Убайдуллаевага отаси Мирсодат УБАЙДУЛЛАЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ ҳўжалиги 36-07-94; Итисоидит 36-36-65; Мағновият 36-35-60; Ахборот 36-29-89; Тўғи муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-ўй. Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Навбатчи — Л. Қўчқорова.